

# «АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ХАР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎАСИН!»

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 20 март • №11 (1292)

### ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ

**Наврўзи олам... Табиатга уйғониш, кўнгилларга илиқлик, самимият ва яшариш нафасини олиб келувчи айём. Наврўз бу ҳаётимиз, фаолиятимизга умидбахш янгиларни етаклаб келувчи янги йилнинг бошидир.**

Ҳа, халқимизнинг азалий айёми миллатимиз маънавияти, маърифатининг юксак намунасидир. Наврўз айёми билан боғлиқ қадимий урф-одатлар фикримиз тасдиғидир. Хусусан, Наврўз арафасида кишилар бир-бирига меҳр улашишга ҳаракат қилади, маҳалла, кўни-кўшниси билан янада ҳамжихат бўлиб, орага тушган гиналарни унутади.

Шу боис ҳам юртимизда ушбу айём ҳар йили кенг кўламда нишонланади. Аслида бу байрам халқимиз қалбини йил давомида тарқ этмайди. Зеро, мутафаккирларимиз айтганидек, ҳар кунимиз Наврўздир. Сабаби, меҳр-оқибат, эзгулик, кишиларга яхшилик улашиш миллатимизнинг жон, қонига сингиб кетган фазилатлардир. Адирлардаги кўлам нафаси, боғлардаги кушлар чуғури ва маҳаллалардаги дошқозонларда қайнаётган сумалаклар эса табиатнинг инсониятга ва одамларнинг табиатга бўлган эҳтиромидир. Қолаверса, меҳр-оқибат, саховат, эзгулик ва муруват тимсоли бўлмиш ушбу айём халқимизнинг азалий анъаналарига ҳам ҳамоҳангдир. Тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган муборак байрам, айниқса, мустақиллик йилларида қайта тикланди. Инсонлар қалбида эзгулик ва бағрикенглик сингари олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамловчи, ёш авлодни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этувчи ва маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутувчи умуммиллий байрам сифатида нишонлаш йўлга қўйилди.

#### Азиз юртдошлар!

Миллий қадриятларимизнинг юксак намоянаси, янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам барчангизга муборак бўлсин!

Халқимиз, миллатимиз турмуш тарзига олам-олам қувонч олиб келадиган ушбу баҳор байрами ҳақида таърифу тасниф, сўз ва шеър ёзмаган шоир бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам шоирнинг куйидаги сатирларида айтилганидек, Наврўзи оламни ҳар йили ўзгача шукҳ билан қаршилаймиз...



*Ортоб кулиб нурун сочганда,  
Қирга гуллар кучоқ очганда,  
Қахри кўрс қахратон қочганда,  
Дилга тоза теҳрлар солиб –  
Кел, баҳорим Наврўзни олиб!*

*Остонинг соф, беғубор фалак,  
Йилбоши деб маҳаллам ҳалак,  
Қозонларда қайнар сумалак,  
Сенсиз чатан беўхшоб қолиб –  
Кел, баҳорим Наврўзни олиб!*

### ПРЕЗИДЕНТ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг бошида коронавирус муаммосига тўхталиб ўтди.

Бугунги кунга келиб ушбу хавфли инфекция 160 дан ортиқ мамлакатда тарқалди. Дунё миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 мингдан зиёд бемор тuzалди. Эпидемия кенг ёйилиб кетгани сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

Минг афсуски, бу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда юртимизда унга чалинган беморлар сони 15 нафарга етди.

Бу вазият олдиндан тўри ба-

холаниб, Президентимиз топшириғига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилган эди. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди. Ҳозирда 6 мингга яқин киши карантинга олинган. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирлар чекланган. 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда уйларида жўнатилди. Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соат-

лик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилмақда. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимида ўтказилди. Сихаттоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, химоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди. Хориждаги юртдошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда. Чегараларда ҳаракат чекланди, аммо транспортда юк ташиш тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга кўплаб хорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ҳамда чиқиб кетмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### КОРОНАВИРУС



#### Дунёда

2020 йил 19 март ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони –

**214 352** нафар,

касалликдан тuzалганлар сони

**84 234** нафар,

вафот этганлар сони –

**9006** нафар

#### Ўзбекистонда

2020 йил 19 март ҳолатига кўра, касалланганлар сони –

**23** нафар,

вафот этганлар йўқ, беморларнинг аҳволи қониқарли ҳолатда











**Объектлар (хоналар)нинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақида НИЗОМ**

**(Давоми. Боши 4-6-бетларда).**

64. Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси ҳамда видеокузатув тизимларини ўрнатиш ва эксплуатация қилишга оид техник ҳужжатлар хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, "Хизмат фаолияти доирасида фойдаланиш учун" грифига эга бўлиши керак.

65. Хавфни билдирувчи сигнал тушганида юридик шахс қоровули (қоровуллик хизмати)нинг хатти-ҳаракатлари юридик шахс раҳбар томонидан тасдиқланган йўриқнома билан тартибга солинади.

66. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга мўлжалланган махсус хоналар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлиномаларининг техник кўриқлаш маркази (пункти) кўриқловига топширилиши, бундан уларнинг кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси техник кўриқлаш маркази (пункти)га уланиши лозим.

67. Биринчи тоифадаги объектлар ички доирали кўриқлаш, шунингдек, ёнгиндан дарак берувчи сигнализация билан жиҳозланади.

68. Иккинчи тоифадаги объектлар ички доирали кўриқлаш сигнализацияси, шунингдек, ёнгиндан дарак берувчи сигнализация билан жиҳозланади.

69. Учинчи тоифадаги объект-

лар ички доирали кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланади.

70. Биринчи (ташқи) доирадаги кўриқлаш сигнализациясининг датчиклари рухсатсиз кириб-чиқишни (очишни, бузишни) аниқлаш мақсадида қуйидагича ўрнатилади:

биринчи тоифадаги объектлар худудининг атрофи бўйлаб ер устида жойлашган бинонинг ташқи деворидан ёки бино дўнгликда жойлашганда дўнгликнинг ташқи асосидан, ёхуд бино пасткамликда жойлашганда чуқурликнинг ташқи четидан 5 м.дан кам бўлмаган масофа доирасида яхлит ҳимоя зонаси кўринишида ўрнатилади. Бино атрофидаги ҳимоя зонаси узлуksиз бўлиши ва унинг доирасида ҳаракатланаётган одам аниқланишини таъминлаши керак. Ташқи ҳимоя тизими кўриқланаётган худудда одамларнинг ҳаракатланишини сезадиган радиотўлқин ускуналари билан жиҳозланади, бунда объект атрофида яхлит ҳимоя зонасини яратиш учун ҳажмли типдаги ёки ёпик узлуksиз периметр бўйича тор, чегара бўйлаб тортилган ҳимоя зонасини яратиш учун тармок типдаги хабар бергич ускуналаридан фойдаланилади. Яхлит зона ўрнига ташқи ҳимоя тизими чегарасида кенглиги 1,5-2 м.ли периметр бўйлаб кўриқлаш зонасини жиҳозлашга рухсат этилади;

гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга мўлжалланган махсус хоналарнинг эшикларига, деразаларига, вентиляция ва бошқа му-

ҳандислик коммуникацияларининг тўйқун ва тешикларига ўрнатилади.

71. Иккинчи (ички) доирадаги кўриқлаш сигнализацияси датчиклари хона ичида рухсатсиз беғона шахсларнинг борлигини аниқлаш мақсадида гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга мўлжалланган махсус хоналар ичига ўрнатилади.

72. Ёнгиндан дарак берувчи сигнализациянинг датчиклари хона ичида, у ердаги ёнгинга қарши вазият кескин ўзгарганда (ҳарорат кўтарилиши, тўтун ҳосил бўлиши ва бошқалар) ёки ёнгин юзага келганда хатарни билдирувчи сигнални бериш учун ўрнатилади. Ёнгиндан дарак берувчи сигнализация ёнгин чиққанлиги ёки бино ичидаги ёнгин хавфсизлиги ҳолати ўзгарганлигини аниқлаш ва сигнал беришга мўлжалланган тутунли, иссиқлик, ёруғлик ва (ёки) комбинацияланган хабар бергичлар билан жиҳозланади.

73. Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализацияларнинг хатарни билдирувчи сигнални юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, кўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати хонасида жиҳозланган махсус кўп каналли (кўп нурли) пультага келиб тушиши, ушбу пультадаги махсус таблода бузилиш ёки ёнгин рўй берган жойни (ёнгиннинг) чирок (нур) ёрдамида кўрсатадиган товушли, ёруғлик ёки бошқа индикаторлар (сигналлар) узатилиши керак.

Хатарни билдирувчи сигнал юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, кўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати хонасида жиҳозланган махсус кўп каналли (кўп нурли) пультага келиб тушиши билан бир вақтда симли ёки радио алоқа тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлиномаларининг техник кўриқлаш маркази (пункти)га узатилиши лозим.

Хатарни билдирувчи сигнал сабабларини аниқлаш, зудлик билан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш ва ёлғон (сабабсиз) чақириқнинг олдини олиш мақсадида юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, кўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлиномаларининг техник кўриқлаш маркази (пункти) ўртасида икки томонлама алоқа ташкил этилиши лозим.

74. Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга мўлжалланган хонанинг ташқи томонида баланд товуш чиқарувчи ускуна (сирена) билан жиҳозланиши лозим.

75. Хатарни билдирувчи сигнални узатишда кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси автоматик тарзда ишлаши лозим.

Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси ҳамда видеокузатув тизимларининг электр таъминоти тармоғи унинг сутка давомида узлуksиз тарзда ишлашини таъминлайдиган бўлиши зарур.

Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси ҳамда видеокузатув тизимларининг электр таъминоти тармоғи асосий электр тизими ўчирилганда уни алмаштирадиган, автоматик тарзда ишга тушадиган электр таъминоти манбаига (дизель-генератор ва бошқалар) уланган ва камида 3 соат ишловчи аккумулятор билан таъминланган бўлиши лозим.

Видеокузатув тизими тасвири

камида ўттиз кун давомида сақланишини таъминлаши лозим.

76. Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси ҳамда видеокузатув тизимларининг симлари электр узатиш қутиси (коммутацион ускуна)дан датчикларгача яширин тарзда, деворлар ёки шифт ости тўсиқларида чуқур киритилиб ва суваб, ёхуд деворлар ва шифт ости панеллари ичига жойлаштирилиб ўтказилиши ҳамда унга шикаст етказилганда ишлаб кетадиган датчиклар билан таъминланган бўлиши лозим.

Кўриқлаш сигнализацияси ва видеокузатув тизимларининг шлейфлари темир-бетон ва бетон қурилиш конструкциялари бўйлаб қувурларда фақат гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга мўлжалланган махсус хоналар ичида ётқизилишига йўл қўйилади.

77. Кўриқлаш ва ёнгиндан дарак берувчи сигнализациялар комплексининг сигнал берувчи ва таъминлаш кабеллари тасодифий равишда ёки қасддан шикастланишлардан юқори даражада ҳимояланган бўлиши керак.

**6-боб. Яқунловчи қондалар**

78. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши учун юридик шахсларнинг раҳбарлари, шунингдек, юридик шахсларнинг буйруқлари ёки фармойиш тусидаги бошқа ҳужжат билан гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг сақланиши учун жавобгарлик юкланган мансабдор шахслар жавобгардир.

79. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Объект (хона)нинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани бериш СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Ариза берувчи – юридик шахс	Аризани кўриб чиқиш учун бевосита, почта алоқаси воситалари ёки электрон шаклда ваколатли органга икки нусxada улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим қилади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли орган	1. Аризани қабул қилади, унинг иккинчи нусхасини қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ариза берувчига жўнатади (тақдим этади). 2. Жойга чиққан ҳолда ариза берувчида малакуд гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш учун зарур бўлган шароитларини ўрганган ва баҳолайди. 3. Текширув ва баҳолаш натижалари бўйича хулосани бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. 4. Ариза берувчига хулосани беради (жўнатади) ёки хулосани бериш рад этилганлиги ҳақида унга ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда хабар беради. 5. Реестрга тегишли ёзувларни киритиши. 6. Хулосани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда хулосани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни киритишга етарли муддат кўрсатилади.	1. Ариза қабул қилинган кунда 2. Ариза олинганидан уч иш кунини ошмаган муддатда 3. Ариза олинганидан беш иш кунини ошмаган муддатда 4. Тегишли қарор қабул қилингандан бир иш кунини ошмаган муддатда 5. Ариза берувчига хулосани бериш ҳақида қарор қабул қилинган кунда 6. Тегишли қарор қабул қилингандан бир иш кунини ошмаган муддатда
3-босқич	Ваколатли орган	Ариза берувчи белгиланган муддатда хулоса беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларини бартараф этган тақдирда, хулоса беришни ҳақидаги аризани такроран кўриб чиқишга таъминлаш қарорини қабул қилади.	Рад этиш сабабларини бартараф этилган ҳақидаги ариза ва рад этиш сабабларини бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинган кундан эътиборан уч иш кунини ошмаган муддатда

**Объект (хона)нинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларга мувофиқлиги тўғрисида ХУЛОСА**

(хулосани бериш ички вазир оғанининг номи)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ -сон \_\_\_\_\_ (ҳозир пункти)

Ушбу билан \_\_\_\_\_ га тегишли бўлган, \_\_\_\_\_ (юридик шахснинг номи) \_\_\_\_\_ манзили бўйича жойлашган объект (хона)нинг қуйидагиларни \_\_\_\_\_ (сақлашга рухсат этиладиган моддалар турлари – \_\_\_\_\_ гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар – алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтилади) сақлаш бўйича белгиланган техник талабларга мувофиқлиги тасдиқланади.

Асос: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги текшириш ҳақидаги хулосаси.

Бошқик \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Хопанинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги ХУЛОСА БЎЛАГИ

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ -сон \_\_\_\_\_ (ҳозир пункти)

(ички вазир оғанининг номи)

Ушбу билан \_\_\_\_\_ га тегишли бўлган, \_\_\_\_\_ (юридик шахснинг номи) \_\_\_\_\_ манзили бўйича жойлашган объект (хона)нинг қуйидагиларни \_\_\_\_\_ (сақлашга рухсат этиладиган моддалар турлари – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар – алоҳида кўрсатиб ўтилади) сақлаш бўйича белгиланган техник талабларга мувофиқлиги тасдиқланади.

Асос: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги текшириш ҳақидаги хулосаси.

Маъмур қарорнинг 2-илоvasи: Ўзбекистон Республикаси худудида гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ билан газетанинг келгуси сонида танишасиз.

## БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Хар йили Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даво муолажалари оламан. Айниқса, лойиҳа директори, академик Анис Аляви, марказ директори профессор Баҳром Аляви, унинг ўринбосари, профессор Умида Камилова, бош шифокор К. Кодировлар раҳбарлигидаги мазкур муассасада даволанувчилар малакали тиббиёт ходимлари меҳнатидан мамнун. Пульмонология, ревматология, сув муолажаси, поликлиника, неврология, қабул бўлими бошлиқларидан Б. Арипов, М. Алиохунова, Г. Собирова, Б. Рўзиқулов, Д. Исломов ва Ю. Таджиходжаева, кардиолог Э. Расулова, Д. Файзиёва, Т. Хан, невропатолог Д. Нахмитдинова, Л. Югай, ревматолог Н. Нишонова, ташхис бўлими врачлари Ш. Ибобекова, М. Якубов, ревматология бўлими ҳамширалари М. Валиева, М. Мирзаева, М. Турғунбоева, М. Хасанова, хўжалик бекаси Ш. Мухаммаджонова, фаршлар Зиёда, Наргиза Гавҳар, Гулбахор Мактуба ва Нигоралар ҳамда физиотерапия бўлими ҳамширалари Ирода, Камола, Васила, Наргиза, Шахло, уқаловчи ҳамшира Зебо, сув муолажаси бўлими ҳамшираси М. Муҳитдинова, О. Шукуруллаева, реанимация бўлими ходими Д. Аҳмедова, парҳез бўлими шифокори М. Камолова, парҳез ҳамшираси Д. Носирова, ошхона ходимларидан Алишер, Наргиза, Хусниддин, Малика, Юлдуз, Шарифа ва Илҳом Соқидовларга чексиз миннатдорлигимни билдираман.

И. ПЯГАЙ,  
Тошкент шаҳри.



## ЭЪЛОН

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Аҳолишунослик жамғармаси – (UNFPA) таллов асосида тегишли тахрирга эга номзодлар учун

Репродуктив саломатлик бўйича дастур таҳлилчиси NOV, № 29478 бўш иш ўрини эълон қилади.

Аризалар қабул қилинишининг охириги муддати 2020 йил 10 апрель иш вақти якунигача.

Малакали аёл номзодлар томонидан ариза топширилиши тавсия этилади.

Ушбу бўш иш ўрни фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун. Иш ўрни ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан жамғарманинг <https://bit.ly/33qjm7R> сайти орқали танишишингиз мумкин.

### Объявление

Фонд ООН в области народонаселения в Республике Узбекистан объявляет набор, на конкурсной основе, кандидатов с соответствующим опытом на должность – Программный аналитик по вопросам репродуктивного здоровья, NOV, № вакансии 29478;

Анкеты принимаются до конца рабочего дня 10 апреля 2020 года. Подача анкет квалифицированными кандидатами женского пола приветствуется. Вакансия открыта только для граждан Республики Узбекистан.

Полная информация о вакансии может быть найдена на <https://bit.ly/33qjm7R>

### ANNOUNCEMENT

UNFPA, United Nations Population Fund in Uzbekistan seeks multilingual, motivated candidates with appropriate experience for the position of UNFPA Program Analyst, Reproductive Health, NOV, Vacancy announcement No. 29478;

The deadline for submission of applications is COB April 10, 2020. Qualified female candidates are strongly encouraged to apply. The position is open for the Uzbekistan citizens only.

Full information about the vacancy could be found at <https://bit.ly/33qjm7R>

## НАМАНГАНДА БОШ МИЯДА МУРАККАБ НЕЙРОЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

РШТЁИМ Наманган филиалида бош миёда яна бир мураккаб нейрожарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилди. Беморда бош миёда қоринчаси ичида жойлашган ҳажмий жараён сабабли окклюзион гидроцефалия ҳолати юзга келган эди.

Гидроцефалия – бош миёнинг ликвор (миё суюқлиги) сақловчи бўшлиқларининг кенгайиши ҳисобланиб, ликвор ишлаб чиқилиши ва сўрилиши ўртасидаги номутоаносиблик натижасида пайдо бўлади. Бу эса бош миё тўқимаси ҳажмининг камайишига ва калла суюғи айланасининг ошишига олиб келади.

Гидроцефалиянинг асосий сабаблари қуйидагилардир: 1. Ликворнинг миё қоринчаларида катта миқдорда тўпланиши. 2. Миё қоринчаларининг тез суратларда катталлашиши (вентрикуломегалия). 3. Бош миё ичи босимнинг ошиши.

Гидроцефалиянинг туғма ва орттирилган турлари бор. Туғма шакли-ҳомиланинг ривожланиш вақтидаги бузилишлар, туғруқ жараёнидаги шикастланишлар, миё қоринчаларига қон қуйилишлар натижасида келиб чиқади. Буларнинг натижасида ликвор йўллари беркилади. Орттирилган тури –



нейроинфекция оқибатида ликвор йўллари беркилади, ликвор айланиши ва сўрилиши бузилади. Бундан ташқари, ликвор йўлларида ҳажмли ҳосилаларни ўсиши, механик тўсиқ ҳосил қилиши туфайли ҳам гидроцефалия юзга келади. Нейрожарроҳлик амалиёти ўтказилган беморда ҳам ликвор йўлини ҳажмий ҳосила тўсиб қўйиши натижасида окклюзион гидроцефалия ҳолати юзга келган эди.

Бемор қаттиқ бош оғриши, бош айланиши, қўриш ўткирлигини пайсиши ҳамда кўнгил ай-

нишидан шикоят қилган. Энди даволаш усулларига тўхталади ҳам бўлса, гидроцефалиянинг асосий даволаш усулларидан бири бу – жарроҳлик амалиё-

тидир. Изланувчан шифокор Сайдулло Шарифбоев ўтказган на-вбатдаги эндоскопик жарроҳлик амалиёти-нинг мақсади – гипертензион гидроцефал синдромли беморларда ликвор айланишини меъёрлаштиришдан иборат эди. Жумладан, миё қоринчаларига шунт ўрнатиш ва нейророздоскопик усулда миё қоринчаларида ликвор айланишини тик-

лаш. Бу жараён бош миё 3-қоринчаси тубини нейророздоскоп ёрдамида перфорацияси деб номланади. Бу операция ҳозирда дунёнинг барча ривожланган давлатларида амалга оширилади.

Энди бу каби мураккаб нейрожарроҳлик амалиёти Республика нейрохирургия илмий марказидан кейин вилоятлар миқёсида Наманганда ҳам жорий этилди.

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1696 нуска.  
Буюртма Г-350.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.